

ТАШКЕНТ-СКОПЈЕ

Да живее пријателството!

• БУГУН ТОШКЕНТДА МАКЕДОНИЈА СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ (ЮСФР) МАДАНИЈАТИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ • ДЎСТЛИК БАЙРАМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА АДАГГАЛИ САЛОМИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

№ 126 (5117).
6 июнь 1983 й.
ДУШАНБА
Газета 1986 йил
1 июндан чиқа болади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Добро дојдовје драги госпи од братајка ЈУГОСЛАВИЈА!



Тошкент. 5 июнь, 1983 йил. Македониялик маданият арбобларининг Тошкент аэропортида кутиб олинishi. М. Нуриддинов фотоси.

ШУ КУННИНГ ИНТЕРВЬУСИ

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Тошкентда Македония Социалистик республикаси (ЮСФР) нинг маданияти кунлари бошланди. Мухбиримиз Ўзбекистон ССР маданият министри ўринбосари, маданият кунларини ўтказиш бўйича штаб бошлиғи Феруз Мухторович Ашрафийдан шахримиз ҳаётида юз берадиган ана шу катта воқеани шарҳлаб беришни илтимос қилди:

— Македония Социалистик Республикасининг ҳаётида 1961 йилда ҳалокатли шундан кечирган унинг пойтахти Скопле муҳим аҳамият касб этди. Янгирма Йилдан ортинч вақт мобайнида шаҳар қайта тикланди ва республика фаени ва маданиятининг йирик маркази бўлиб қолди. Скопле Совет Ўзбекистонининг маданият ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Скопле Тошкент билан биродар-

лашган шаҳар. Скопле ва Тошкент делегациялари бир неча бор бир-бирининг хузурида меҳмон бўлиб, турли тантинали мадоримларда қатнашди. Македония Социалистик Республикасининг маданияти кунлари Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилмоқда. Республика маданияти арбобларининг жавоб сафари 1984 йилда бўлади.

— Феруз Мухторович, Тошкентда қандай маданият тадбир-

лар ўтказилди, дустона урчушулар қайси жойларда ташкил этилади?

— Маданият кунларининг қатнашчилари булган 70 кишидан лборат делегация Тошкентга етиб келди. Халқ ҳоқимияти Йилларида Македония маданият ва санъат барқ уриб ривожланди. Скопледа, масалан Фанлар ва санъат академияси бор. У ерда ва бутун Югославияда халқ озгани ижоди фестиваллари катта шухрат

қозонган. «Македония рақслари» халқ озгани ижоди ансамбли, «Нон ва туз» эстрада группаси, таниқли маданият ходимлари группаси, ёзувчи Ташко Георгиевски, шоир Иван Чаповски, кинорежиссер Коле Манев, дирижер Александр Ликовски, таниқли ашулачи Милка Евтимова, пионирчи Евушка Елзовски ва Стелла Слезанска, скрипкачи Румен Димитриев дирижеризга меҳмон бўлиб келдилар.

Македония Социалистик Республикасининг Ўзбекистон ССРдаги маданияти кунлари Навоий номли театрда тантинали очилди, қолган кунлари эса «Баҳор», Свердлов номли кон-

церт залларида, авиасозлар маданият ва техника саройида, Чирчиқдаги химикал маданият саройида, Жиззах ва Самарқанда ўтказилди.

Республика ёзувчилари союзида, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданият алоқа боғлаш Ўзбекистон жамятида, Ўзбекфильм» киностудиясида ижодий учрашулар ўтказилди. Делегация составида ўқитувчилар ҳам бўлганлиги туйғайли шаҳар халқ маорифи Бош бошқармасида учрашув ташкил этилади. Македониялик журналистлар Матбуот уйи ходимлари меҳмони бўлдилар. Навоий номли давлат халқ кутубхонасида Македония адиблари билан катта учрашув ўтказилди.

Тошкентликлар Санъат саройида Македония бадий фильмларини кўришга муяссар бўлдилар. Кино уйда эса хужжатли ва мультипликацион ленталар кўриги ўтказилди. «Баҳор» концерт залида Ўзбекистон Давлат симфоник оркестри Македония композиторларининг асарларини ижро этди. Унга Александр Ликовски дирижерлик қилди.

Тошкентда икки кўрғазма ташкил этилади. Улардан, бири Македониянинг жўшқин ҳаётини ас элтирувчи фотосуратлар кўрғазмаси бўлиб, у СССР халқлари дўстлиги музейида, иккинчиси китоблар кўрғазмаси бўлиб, Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўрғазмалар залида очилади.

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

• СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг тақлифига мувофиқ бугун Финляндия Республикасининг Президенти Мауро Койвисто расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.

• «Сизнинг бурчингиз, ихтирочи» — газетанин бугунги бош мақоласи ана шундай мавзуда. Мақолада ихтирочи ва рационализаторларнинг илмий-техника тараққийини тезлаштириш, ишлаб чиқариш самардорлигини оширишдаги улуши ҳақида сўз боради.

РУС ПОЭЗИЯСИНИНГ ҚУЁШИ

БУГУН ТОШКЕНТДА ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ БОШЛАНДИ



Пушкинча ҳали ҳеч ким соддаликни ҳам поэтик нафосатни ҳам ўзида мужассамлаштирган бундай энгил ва жонли тилда ёзмаган эди; ҳали ҳеч ким рус шеърига бунчалик аниқлик, таъсирчанлик ва гўзаллик бахш этолмаган эди. Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ.

Мана яна орақиқиб кутилган пушкинхонлик кунлари бошланди. Одатдагидек ёзининг айна бошланшида улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин туғилган кун муносабати билан ёрқин шеърят байрами ўтказилди. У болалар учун қадрдон «Шоҳсултон ҳақида эртақ», «Руслан ва Людмила», «Капитан кизи», катталар учун эса «Евгений Онегин», «Мисчавандоз», «Лўлилар», «Борис Годунов», «Мозарт ва Сальери» асарларининг қаҳрамонлари билан яна бир бор учрашувдир.

Биз ҳаётимиз давоминда мангу ўлмас Пушкин мисраларига қайта-қайта мурожаат қилаверамиз. Шоирнинг улкан истеъдоди, шеърятни оламга ташакурлар ва таъзим этиш учун кўплаб кишилар шоир ҳайкали ёнига ташриф буюрадилар, унинг пойига гулчамбарлар қўйишади.

МЎЪЖИЗАКОР ШЕЪРИЯТ

(ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ РЕСПУБЛИКА КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ, ШОИР ЭРКИН ВОҲИДОВ БИЛАН СУҲБАТ).

Бегона мамлакатимизда, шу жумладан республикамизда ҳам катта шеърят байрами — пушкинхонлик кунлари бошланмоқда. Шоирнинг оташин шеърлари яна турли тилларда жарангайди. Унинг ижодида бағишланган кечалар, кичиклари учрашулар бўлиб ўтди. Пушкин қадимсолвирда, шаҳар ва қишлоқларда, маданият жаскалариде шеърят оқшомлари ўтказилди. Республикада ҳам шу муносабат билан килмакил тадбирлар белгиланган. Мухбиримиз пушкинхонлик кунларини ўтказиш республика комитет раисининг ўринбосари, шоир Эркин Воҳидов билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— Эркин Воҳидович, пушкинхонлик кунлари кўп миллатли Совет шеърят байрамга айланб кетмоқда. Шу ҳақидаги фикрларингизни билишни истардим.

— Ҳа, пушкинхонлик кунларида адабиётнинг халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутиши янада ёрқинроқ намоён бўлади. Пушкинхонлик байрами шеърятнинг ҳаётимизга эшлиги, ҳамроҳлигига кўриқдир. Биз Пушкинга ҳаргал қайта мурожаат қилганимизда кўнглимиз чексиз гурур ва сурура тўлади. Бу кунлардан олинган таассуротлар эса бир умр ўчмайди. Масалан, ўзим ҳам бундан бир неча йил муқаддам Бутунитиқоф пушкинхонлик кунларида қатнашиб, буюк шоир яшган жойларда бўлган эдим. Уша пайтдаги қизиқарили сўхбатлар, қаламаш дўстлар билан учрашуларим, шоир ҳаёти саҳифалари билан яқиндан танишганим ҳамон ёдимда. Ушайманки, республикамизда ўтадиган бу шеърят байрами ҳам минглаб кишиларни адабиётга янада яқинроқ қилади. Пушкин шеърятини тирароқ аниглашга ёрдам беради.

ГУЛ

Қуриган, ҳиди йўқ, унутилган гул — Китобни очаркан кўриб қолдим мен.

Ғалати хаёлга тўлди-да кўнгил,

Паришон термулиб, туриб қолдим мен:

Қаерда ва қачон, қайси баҳорда — Гуллаган? Узоқми? Ким узди экан?

Ет қўлми, танишми узган наҳорда? Нима учун бу ерга қўйилди экан?

Нозик бир висолнинг эсдалимги, Еки шум айрилик — фироқ ёдгори? Еки тинч саҳрода, ўрмон соясинда Елғиз сайр, томоша хотирлариди?

Тирикми Янгит, тирикми қиз? Шу пайта уларнинг қайда гўшаси? Еки шу қуриган — сўлғин, белгисиз.

Гул каби сўлдими ҳар иккаласи? МИРТЕМИР таржимаси

Уйладимки, юрак унутди Муҳаббатнинг азгу азобин.

Дедим: ўтган бариси ўтди. Ўтди! Қайтиб келмайди тағин.

Утиб кетди завқда, қайгу-да Ва ҳавойи энгил умидлар... Аммо ўттир хусн олдида Тушди яна ларзага улар.

1835. й. ЗУЛФИЯ таржимаси.

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва Халқлар дўстлиги ордени М. О. Авазов номли Козогистон Давлат академик театрининг гастроллар харитасида қардош Ўзбекистон пойтахти — Тошкент янги географик нуқта бўлди. Театрнинг шонли таржимачи ҳоли республика театр санъатининг қадру топиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғланган.

Миллий драматургия билан қозоқ академик драма театри ўтовлардаги постановкалардан, фольклор ўйинлари анализларидан энг нозик тибат, талабчан томошабиннинг дидига мувофиқ келадиган спектаклларга бўлган катта йўли босиб ўтди.

Театрнинг расмий туғилган кунин 1926 йил 13 январь ҳисобланади. Уша кун Козогистондаги революцион характербарлардан бири — Алкби Жонгидин отрядида «Қизил қарвона» деган кўмада ташкил қилинган эди.

Халқ хонандалари ва соҳнадаларидан Қалибек Куанишпаев, Серке Кўжамқулов, Елубай Умурзоков, Курманбек Жендарбековлар Республикадаги қалдирғоч профессионал театр труппасини ташкил этишди. Улар Мухтор Авазовнинг «Қора кўз», «Бай-бише-тоқал», Бамибет Майлиннинг «Иңиток», «Айёр мулла» пьесалари ва бошқа авторларнинг пьесаларида қаҳрамонларнинг ёрқин ҳаққоний образларини яратдилар. Бу асарлар театрининг олтин репертуар фондидан шек олди. Театр миллий спектакллар устида ишлаш билан айна бир вақтда рус ва жаҳон классика асарларини ҳам ўзлаштирди. Н. В. Гоголь, А. Н. Островский, А. М. Горький, В. Шекспир, Ж. Б. Мольер, К. Гольдон пьесалари сахнага қўйилди.

Театр замонавий мавзуларга тобора кўпроқ мурожаат этмоқда, ишчилар синфи, деҳқонлар, энгиллар, ёшларнинг турмушини тасвирламоқда.

Н. ИДРИСОВ, КазТАГ—ЎзТАГ мухбири. (Театрнинг директори ва бош режиссери, СССР халқ артисти Озарбайжан Мамбетов билан суҳбатни 3-саҳифада ўқийсиз).

МАКЕДОНИЈА МАДАНИЈАТИ КУНЛАРИ КУНДАЛИГИ

КЕЧА

Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги вакиллари Тошкент аэропортида Ўзбекистонда Македония Социалистик Республикаси маданияти кунлари қатнашчиларини шод-хуррамлик билан, кутиб олишди.

БУГУН

Македония маданияти кунлари қатнашчилари доҳиймиз В. И. Ленин ҳайкали пойига ва Номайўм солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди. Шундан сўнг делегация аъзолари Ўзбекистон пойтахтининг янги меъморилик иншоотлари, турар жой кварталлари, Тошкент метрополитени ер осин қасрлари ва шаҳарнинг бошқа лиққатта сазовор жойлари билан танишдилар. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўришди.

Кечкурун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида куйидаги масалалар киритилсин:

— Республикада напйтал қурилиши янада яхшилаш ва уй-жой, ишлаб чиқариш, социал ва маданият-ишчи объектларини фойдаланишга топиришни таъминлаш талбирлари тўғрисида;

— Ўзбекистон ССРнинг Уй-жой кодексини лойиҳаси ҳақида;

— Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

ЭРТАГА

Санъат саройининг кичик залида Ўзбекистон ССРда Македония Социалистик Республикаси маданияти кунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлади. СССР халқлари дўстлиги музейида македониялик дўстларимиз Ўзбекистондаги маданият кунларига атаб тайёрлаб келган «Македония бўйлаб» номли бадий фото кўрғазмаси, Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўрғазмалар залида эса «Македония Социалистик Республикаси китоблари» кўрғазмаси, шунингдек «Скопле» магазини очилади.

Ўзбекистон ССР ёзувчилар союзида Ўзбекистон ва Македония адабиёти намоёндалари, шоир ва ёзувчилари, адабиётшунослари учрашув бўлади. Санъат саройида эса Македония Социалистик Республикаси фильмлари намоиши бошланади.

МОСКВА ЭКРАНИДА—ЎЗБЕК КОМЕДИЯСИ

Москвадаги Марказий кино Уйида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Суюнчи» номли янги рангли бадий фильм премьераси бўлиб ўтди.

Республика қишлоқ меҳнаткашларини г ҳаёти ва иш фаолияти ҳақида хилоқ қилувчи янги экран асарини москвалик томошбинларга манзур бўлди.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига куйидаги масалалар киритилсин:

— Республикада напйтал қурилиши янада яхшилаш ва уй-жой, ишлаб чиқариш, социал ва маданият-ишчи объектларини фойдаланишга топиришни таъминлаш талбирлари тўғрисида;

— Ўзбекистон ССРнинг Уй-жой кодексини лойиҳаси ҳақида;

— Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУҲАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

1983 йил 3 июнь Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилди:

1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ўнчи қақриқ Олий Советининг еттинчи сессияси 1983 йил 5 июлда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўз навбатида М. Авазов номидаги Козогистон академик драма театрининг меҳнардор кўлабчи труппаси бир неча кундан кейин Тошкентда ўз ижодий ҳисоботини бошлади. Дўстлик гастроллари миллий маданиятларини бир-бири билан янада яқинлаштиришга ва бир-бирини бойитишга хизмат қилишига аминман.

Гастролларни очиб маросимлида КПСС Марказий Комитетини Сийёси бюросининг аъзоси, Козогистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев хозир бўлди.



АДАБИЁТ ВА САЊАТ САҲИФАСИ

«ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ» КОНКУРСИГА:

ИЖОД ГУЛДАСТАСИ

МУЪЖИЗАКОР ШЕЪРИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Александр Сергеевич Пушкин рус адабиётида янги бир даврни бошлаб берди. Рус адабиётининг янги йилигича алоқиди учун Пушкин илҳомидан манба, аждоғиди намунга бўлиб хизмат қилади. Бу турини кунимизда ҳам шоирнинг муъжизакор шеърини кинчилар қалбини ҳалқонга солади, бир олам завқ-шаўқ бағишлайди. Шунинг учун ҳам унинг китоблари кинчилар бормаган хондон йўқ. Мактаб партасида энг яхши шеърларини ёд қилиб оламиз. Улар бир умр бизга ҳамроҳ бўлади.

— Пушкин ижоди ўзбек шоирларига ҳам самарали таъсир кўрсатган. Улар Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш билан бирга ундан ижодий сабоқ ҳам олганлар. Шу ҳақда гапириб бераймиз.

— Пушкин ижодига қизиқинг инқилобдан олдинги йиллардаёқ бошланган эди. Аммо фақат Совет ҳокимияти давридагина унинг асарларини таржима қилиш кенг йўлга қўйилди. 20-йиллардан эътиборан шоирнинг машҳур асарлари ўзбек китобхоналарига тўхша этила бошлади. Бу ишга Фахриддин Ойбек, Хамид Олимжон, Мақсуд Шайхонда, Усмон

Носир, Миртемир ва бошқа кўплаб адибларимиз самарали ҳисса қўшдилар. Натикда буюк Навоий асарлари билан ёзма-ён Пушкиннинг китобларини ҳам жапонларимиздан ҳам муносиб ўрин олди. Ўзбек шоирларидан ҳар бири фахр билан Пушкинни ўзининг устозларидан бири деб айта олади. Чунки кўпчилигимиз шеърнинг таъсирчанлиги, образлиги, курашчанлигини ундан ўрганганимиз. Пушкин шеърини мангу қўримас даражасида шариқаб оқиб турбди. У бундан кейин ҳам минглаб ирмоқларга ҳаёт ва кудрат бахш этаверди.

— Бу йилги Пушкиннинг кунлари республикамизда қай тарзда ўтказилди? Адабиёт мухлисларини қандай қизиқари учрашулар кутмоқда?

— Ҳар йилги анъана кўра бу сафар ҳам Пушкиннинг кунлари шахримизнинг шоир номидаги майдонда, унинг ҳайкали пойида 6 июнь кун тантанали суратда очилди. Бу ерда партия-совет ҳодимлари ва жамоатчилик вакиллари, шоирлар ва ёзувчилар, адабиёт илҳомчилари тўла-нади. Сўнгра шеърхоналик бошланди. Ҳаваскорлик коллективлари, симфоник оркестр куй ва қўшиқлар

Маъруф ЖАЛИЛ:

«СЕН ҲАР БИР ЎЗБЕКНИНГ ҚАЛБИДА БОРСАН»



Маъруф ЖАЛИЛ — Самарқанд областининг Каттақўрғон районидан тугилган. «Мен сизни севардим», «Раҳмат, одамлар», «Сени ўйлаб», «Нотаниш йўллар», «Қўшиқ иштиёқи», «Мен сув ичи ва дарёлар» каби китоблар муаллифи.

Тошкентта

Эй қадим Туроннинг валлолат шаҳри, Икки минг ёшнинг кутайман бугун. Сен ҳар бир ўзбекининг гурури, фаҳри, ҳам курли умиди бўлганин учун.

Сен ҳар бир ўзбекининг қалбидан борсан, Отаси, онаси, фарзанди каби. Деҳқон интилганда қишда баҳорга, Сен билан боғлиқдир эзгу матлаби.

Сенга интилганда гоҳ тушларда Парвоз қилганлар ҳам, қилмаганлар ҳам. Сенга интилганда турмушлардан Роҳат кўрганлар ҳам, кўрмаганлар ҳам.

Ҳаёл ё амалда сенга интилган, Қалбдан юксалади интилган сари. Сени энг муқаддас манзил деб билар, Деҳқонга оқувчи дарё сингари.

Халқ ақлу зақосни гули бундадир, Бундадир истиқбол муҳандислар. Ҳамма нарса аён, ҳамма нарса сир, Бунда ранг-барангдир қувонч туслари.

Тошкент шаҳарда халққа интилди, Халқим ўз бахтини кўргандай унда. Утаниш сабабларини муҳтасар қилиб, Эртани ўйлайди Марказим бунда.

Соат ишлар эди кўлимда очкич-қиқ. Шу дам бир кундадан бергандай хабар Яна такрорланди ўша қиқчирик. «Ердан беринг, ёрдам» Мен ҳушёр тортиб, Атрофга қараяман, қайдан бу индо! Мен қайдан келганим биллолай туриб, Дафъатан тинди ташвишли садо. Ердан келмоқдами ёки осмондан, Кедрдан келмоқда, қиқчириқда ким! Нова қилмоқдами бирор арнонда, Ёки қиқчириқда ўзининг қалбини! Шунда титраб кетди бирдан ағуждим, «Инсоф бергин», дедим инсон аҳлига. Ким бедор, ким ухлар — гафлатдир ким, Барбир қиқчириқда бордир таҳлика. «Ердан беринг», дейди кимдир бекосдан, Билмаман бу фарёд кимнинг розидир. Балки бу, одамлар, сизларни ўйлаб Ҳасрат чеккан замин илтиқосидир. Мен ҳам ҳар кун тинглаб радиоларни, Ҳар эрта газета варақлаб туриб «Қирғин қуроллари» деган хабарин, Унинг оқибатини хабаран қўриб — «Қиқчириқ келди»: «Ердан беринг!» — деб, «Ишга солинигиз», деб барча илкомини, Токим жаҳл билан ерин портлатиб, Чилларчин қилмайлик жумла жаҳонни, «Ердан беринг, ёрдам», қиқчирик кимдир...

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ЙУЛЛАНМАСИ БИЛАН ПУШКИН ҲУЗУРИГА САЁҲАТ


Филология фанлари кандидати, журналист Исҳоқ Забиров яқинда қашқардан шаҳар Ленинградда бўлиб, ҳаммамиз учун қадрдон бўлган жойларни — Пушкин қадамжолари-

ни бориб кўрди. «Тошкент оқшоми» илтимосига кўра у ўз таассуротларини қозоғга туширган. Қуйида ана шу саёхат давоҳларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«Бўзилмас ва абадий» эди.

«Биз ўзимизнинг яширин туйғуларимизни, қалбларимизнинг энг пок оҳанглари ягона ёқимли хорга бирлаштирган эдик», — деб ёзганди Кюхельбекер. Бу ўқув юртида 30 киши таъ-

1. ШОИР СИЙМОСИ ЛИЦЕЙДА ҲАМОН БАРҲАЁТ



«Пушкин! У ўрмонда ҳам беркина олмайдди. Унинг лираси юксак навоси билан қаердалигини ошкор этарди», — деб ёзган эди лицейда ўқиб юрган пайтларидан А. С. Пушкиннинг дўсти Антон Антонович Дельянг. Пушкин лицейи шоир ҳақидаги аждоғиди ёлғорликдир.

Унинг шеърларида

ижодининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган лицейдаги ўқиш йилларини меҳр ва маъсулик билан хотирлайди.

1811 йилда дворянлар фарзандини юксак давлат хизматига

тайёрлаш мақсадида ташкил этилган бу лицейга университет ҳуқуқи берилган эди. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам тарбияланувчиларнинг адабий меъриятларини қўллаб-қувватлаш, уларни

лимо оларди. Бўлажак шоир Александр Пушкин ўз тенгдошлари орасида қобилияти билан ажралиб турарди. Шоирнинг содиқ соҳибдари А. Дельянг, В. Кюхельбекер, И. Пушкин ва бошқалар

Улуғ Октябрь социалистик революциясида кейин шоир мухлислари собиқ лицей биносидан А. С. Пушкин музейини ташкил этишни орзу қилдилар. Аммо бу вазифа осонликча ҳал бўлмади.

(Давоми бор).

СУРАТДА: Пушкин тахмин олган лицей биносининг яқиндаги Пушкин қалъасида.

ТОШКЕНТ ОҲАНРАБОСИ

Дадаҳон ҲАСАНОВ шеъри ва музикаси

Шу йилнинг 10-15 июни кунлари Тошкентда «Тошкент оқшоми» йулланмаси билан Пушкин Ҳузурига саёхат бўлиб, ҳаммамиз учун қадрдон бўлган жойларни — Пушкин қадамжолари-ни бориб кўрди. «Тошкент оқшоми» илтимосига кўра у ўз таассуротларини қозоғга туширган. Қуйида ана шу саёхат давоҳларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ — МАДАНИЯТЛАР ДЎСТЛИГИ

Ижодий ҳамкорлик самараси

Ҳамма номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида Мухтор Азиев номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ва Халқлар Дўстлиги ордени билан поётахтимиздаги М. Азиев номидаги Академик драма театрининг бош режиссери, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Озарбайжон Мамбетов билан учрашиб, театр коллективининг ижодий йўли, гастроль репертуари, ўзбек ва қозоқ санъаткорларининг ижодий алоқалари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

Бизнинг театримизнинг Тошкентга сафар қилиши, ҳамма номидаги театрининг эса Олмаотага борини маданий ҳаётимизда ўзига хос воқеадир. Шуниси қувончлики, ниқала санъат даргоҳи ҳам гастролларга аждоғиди совғалар тайёрлади. Масалан, биз ҳаммасларимиз саҳнасида аллақачон кўп сонли томошабинларнинг олқишига сазовор бўлган Уйғун ва Иззат Султоннинг машҳур «Алишер Навоий» драмасини саҳналаштирдик. Спектакль театр санъатини мизда ўзига хос воқеа сифатида кутиб олинди. Драмани саҳнага тайёрлаётган кунларда Тошкентдан Наби Раҳимов, Саъидхон Табибуллаев каби бир гурупа санъаткорлар Олмаотага таъриф буюришди. Тажрибали актёрларнинг берган маслаҳатлари спектаклнинг муваффақиятида муҳим роль ўйнади. Алишер Навоий ролин ижро

этайётган Ёш, истеъдодли артистимиз Т. Ҳаммақулов ўзига топирилган шарафли, айни вақтда ўта маъсулликни ишнинг ўзига хос маҳорат билан уйдалай олди.

Ҳамма номидаги театр эса Олмаотага гастролга атай классик ёзувчимиз Мухтор Азиевнинг «Абай» романи асосида спектакль тайёрлади. Бу асар қардошларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ўзбекистонлик дўстларимиз «Абай»ни ниҳоятда усталик билан, маҳорат билан ижро этишганини, ҳар бир саҳнага, таҳлилга меҳру муҳаббат билан ёндашганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳис қилдик. Айни кунларда «Абай» спектакли бизнинг театр саҳнасида кўрсатилмоқда. Ишончимиз комилки, спектакль халқимизнинг қалбидан абадий ўрин олади.

Тошкент гастроллари ҳақида гапирганимизда биринчи навбатда артистимиз Т. Ҳаммақулов билан келинган репертуар ҳақида тўхталиш керак. Ҳамма театри саҳнасида маънавий атиладиган спектакллар билан уйдалай олди.

Тошкент гастролларидан умидимиз катта. Бу ерда совет театр санъатининг ҳақиқий усталари ижод қилишмоқда. Уларнинг ижрочилик маҳорати, бетакор изланишлари ўзига хос мактаб. Ижодий сафаримиз кунларида ўзбекистонлик машҳур санъаткорлар билан учрашиб, ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорлигимизни янада мустаккамлаш тўғрисида, театр санъати, умуман, ижод ва санъаткор мавзуда дилдан дилга суҳбатлашиб оломқимиз. Дўстларимизнинг спектаклларимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазалари биз учун гоғда қимматли.

Спектаклларимизга муҳаммад, азиз тошкентлик санъатсевар дўстлар!

Мухтор Азиев номидаги театр ютқандар гап кетгүдек бўлса, биринчи навбатда Хадича Буқиева, Сабир Майкенова, Чўпон Жан-дарбекова, Асанали Ашимов, Фарид Шарипова, Идрис Нуройеви каби СССР халқ артистларининг номлари ҳурмат билан тилга олинади. Хадича Буқиева ҳам бу санъаткорлар театримизнинг муваффақиятига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Тошкент гастролларидан умидимиз катта. Бу ерда совет театр санъатининг ҳақиқий усталари ижод қилишмоқда. Уларнинг ижрочилик маҳорати, бетакор изланишлари ўзига хос мактаб. Ижодий сафаримиз кунларида ўзбекистонлик машҳур санъаткорлар билан учрашиб, ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорлигимизни янада мустаккамлаш тўғрисида, театр санъати, умуман, ижод ва санъаткор мавзуда дилдан дилга суҳбатлашиб оломқимиз. Дўстларимизнинг спектаклларимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазалари биз учун гоғда қимматли.

Спектаклларимизга муҳаммад, азиз тошкентлик санъатсевар дўстлар!

Ассалом, келажак!

Бизга элчи қилиб янги йилларни; Узинг ордасидан келайтирсан. Ишончга тўқлариб ташна дилларни Умидлар ўқинди кулайтирсан.

Ҳар тунг сени қилаб чиқаман йўлга, Ҳар тунг ҳис қиламан қиқчиригини. Сени кутайтир бугун бир ўлка, Ҳар тунг эди ёқини қиқчиригини.

Сенинг амволинига тезроқ етай деб, Янги ўйлар қурар бинолар бунда. Аскар йигит кеча хизматдан қайтиб, Сени кутган киб ёр кутар бунда.

Мактабга қатнаган ҳар бир йигит, қиз, Сенга интилган зору интизор. Балван кучоғинда ўзин эйтиб ҳис, Сен сабаб туларини ўтказар бедор.

Сенинг ишқинг билан гўзалдир дунё, Сенинг ишқинг берар инсонга ҳаёл, Ҳаёлдай гўзалсан, рангин, сермаёно, Сен юмил давронсан, азиз истиқбол.

Дунё карвонсаро, Аммо беш турмас, Келиб-кетавур инсон пешма-пеш. Бекор ташвиш чекмас, бекор югурмас, Сени ўйламасдан ишай олмас ҳеч. Биз сени кутамиз, кўлда яратиб, Излаб келаринга қилмаймиз гумон. Шубҳасиз келсан дувур таратиб, Ҳар тунг келаринга қилмаймиз гумон. Порлоқ умидларнинг рўёби бўлиб, Палтакор ўлкамга тезроқ кела қол. Биз кутиб олайлик қувончга тўлиб: «Салом, келажак, деб, салом, истиқбол!»

Менга бундай қарама, дўстим!

Мен кимларнинг йўлини тўсдим, Сабасиз оғриқли кимнинг дилини! Менга бундай қарама, дўстим, Булбул билар булбул тилини. Гар бошинига маламат тўшса, Озор чекса байроқ дардиндан, Бирор кўмак пайго дардиндан, Гапчуватар бирор орзиндан, Дўстим, билсанг қанотингдан мен, Қайриятини ўз қанотингдан, Мен ўзингдан, ҳаётингдан мен, Ганямат бил ўз ҳаётингдан, Юрагинига шубҳа солди ким! Ҳасрат қўйди ким қувончингга! Мен ҳаётда ишончинг эдим, Ҳар кунингиз ўз ишончингга, Менга бундай қарама, дўстим!

Ҳар кун

Ҳар кун тунг билан чиқаман йўлга, Бугун бир янгилик юз беради, деб. Умидим инқоли кириб қосилга, Умримни шарафга тўқларди деб. Дунёда ҳар кун қанча ўзарим, Қанча ҳодисалар юз беради, аммо, Ҳар кун кетганимиз парво қилмай ҳеч, Яшамиз, кунимиз ташвишлар аро. Дунёнинг ўйлағимиз, Балван куйиниб, Рўзгор бахтин дунё тинчига боғлаб, Гоҳ фитна-фасодлар лойқаси тиниб, Гоҳ кўрқув, таҳлика қўтирилган доғлаб, Ҳеч ким гап емайди ўз жонин учун, Гарчи сабил эмас ҳеч кимнинг жони. Уялар бола-чақа, юртин тинчлигини, Демакки, ўйлайди бугун дунёни, Мен ҳам шу ўй билан, Қаламим қўлда, Ганямат дамлардан билар иқбол кутиб, Ҳар кун тунг билан чиқаман йўлга, Бугун бир янгилик юз беради деб.

Тунги қиқчирик

«Ердан беринг, ёрдам», қиқчириди кимдир. Мен уйғониб кетдим бу қиқчирикдан. Макин шамол елар, Тинибди ёмғир, Кўча бўм-бўш эди манзарга чиқсан, Сўқунат бағрида мудрарди шаҳар,



Оқшом манзараси

С. Маҳмамов фототюди.

Шодлигимдан тўлиб-тошиб соғиниб чалсам, Орауларим, туйғуларим қўшиққа солсам, Ҳалқимиз руҳида ноғога йўлмасам, Поётахтим, руҳимдаги нашъу навосам, Дилрабоимсан, дилқушосан, оҳанрабоимсан. Сенинг дилбар кучоғиндан тойдим ашула, Ашуламда олам ақли саодат шўла, Шу бекетдан дунё қўшиқ-қўйларга тўла, Поётахтим, шарқда мангу порлоқ зибсан, Дилрабоимсан, дилқушосан, оҳанрабоимсан, Орауларим, минг асрлар омовлик бўлса, Минг асрлар бағринида ҳур замонлик бўлса, Фаёз илҳом, шодмонлик, шодонлик бўлса, Поётахтим, минг асрлик сеҳру садосан, Дилрабоимсан, дилқушосан, оҳанрабоимсан.



МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ТОШКЕНТДА ОЗАРБАЙЖОН КИНОСИ КУНЛАРИ

Тошкент шаҳри ва об-ҳаво шартларида Озарбайжон киноси кунлари бошланди. Поётахтимиз ва унинг область шаҳарларида барча кино-театрларда Озарбайжон киносининг намойиши этиляпти.

Эртага Наримонов шаҳридаги «Воку»

кинотеатрида Озарбайжон киноси кунлари тантанали равишда очилди. — дейди Ўзбекистон ССР Киномаатография Давлат комитетининг кинолаштириш бошқармаси бошлиғи Т. Ҳаммақулов. — Унда «Озарбайжонфильм» киностудияси яратилган янги инти сарияда «Низомий» фильми премьераси ҳам бўлади.

Маъмур картинада бош ролини СССР халқ артисти Муслим Магомоев ижро этган.

Озарбайжон киноси кунлари муносабати билан поётахтимизга Озарбайжон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати, таниқли киноактриса Б. Лейла бошиқ Озарбайжон экран усталари делегацияси таъриф буюрди. Унинг сафида Гасан Мамедов, Расим Баласев ва бошқа таниқли киносанъаткорлар бор.

8 июнь кунини Галаба раёнидаги «Огонек», Оққўрғон районидан Сегизбоев номли соҳозларда, 9-10 июнь кунлари эса «Ўзбекфильм» ва Ўзбекистон хунжати ва илмий оммабоп фильмлар да» киностудиясида, шунингдек

Озарбайжон киноси кунларида томошабинлар билан учрашуви бўлади. Озарбайжон киноси кунларида томошабинлар «Иш юзасидан сафар», «Бу ерда сени жаннат кутмайди», «Индияга ярим тунда», «Елчи ашиқ олди», «Қонли боёқ»

«Қалъа ичидаги қутича», «Низомий» каби ранг-баранг бадиий ва илмий-оммабоп фильмлар билан танишадилар.

СУРАТДА: «Озарбайжонфильм» студияси томонидан яратилган «Елчи ашиқ олди» фильмининг кадр.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

6 ИЮНЬ. 1983 й.

